

«Агар киши қарз олса, гапирса, ёлғон гапиреди, ваъда берса, хилоф қилади», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу дуони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда ўқиганлари бошқа бир ривоятда ҳам таъкидланган экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намозда ушбу дуони қилиш.
2. Қабр азобининг ҳаққлиги ва ундан паноҳ сўраб, Аллоҳга ёлвориб туриш кераклиги.
3. Дўзах азобидан ҳам паноҳ тилаб, дуо қилиб туриш лозимлиги.
4. Тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ сўраб, Аллоҳга ёлвориб туриш.
Тириклик фитнаси кўпроқ молу дунёда, бола-чақада, ўлим фитнаси эса жон таслим қилишда ва қабрда бўлади.
5. Масих Дажжолнинг фитнасидан паноҳ тилаб туриш. Бу масаланинг баёни бундан кейин келади.
6. Аллоҳ таолога гуноҳ қилишдан сақлашини сўраб, дуо қилиш.
7. Қарздор бўлиб қолишдан паноҳ сўраб, дуо қилиш.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан